



Schweizerische Eidgenossenschaft  
Confédération suisse  
Confederazione Svizzera  
Confederaziun svizra



**Сув ресурсларини бошқариш халқаро институти**


**Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш  
комиссиясининг илмий-ахборот маркази**

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРИДА**

**ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ФЕРМЕРЛАР СУВЧИЛАРИГА**

**Вўза қатор оралиғига экилган кузги ғаллани**

**СУҒОРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР**



**АНДИЖОН**

Дехқончиликда ҳосилни онаси ер, отаси сув ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик экинлари, хусусан буғдойдан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш ва олиш, кўп жиҳатдан сув билан етарли таъминланишига боғлиқ.

Суғориладиган дехқончиликда кузги буғдой етиштириш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки қишлаб чиқиш шароити нисбатан қулай ҳамда ёз ойлари иссиқ ва қуруқ бўлган бизнинг минтақамизда кузги буғдой баҳорги буғдойга нисбатан анча юқори ҳосил беради. Шунингдек кузги буғдойни ёзнинг биринчи ярмида пишиб етилиши ундан кейин такрорий ёки оралиқ экинларни парваришlash имконини беради.

Ғалла энг мақбул муддатларда экилган бўлсада зудлик билан суғорилмаса уруғнинг униб чиқиши кун сайин пасайиб, ернинг табиий намида 20-30 фоиз уруғлар бўртиб қолади ва кўкармасдан нобуд бўлади. Чунки буғдой уруғи униб чиқиши учун ўз оғирлигига нисбатан 40 фоиз намни олиши керак.

Кузги буғдой етиштиришда асосий эътибор биринчи навбатта уруғни бир текисда ундириб, қийғос майсалар олиш ва кузда уларнинг қулай ривожланиши учун тупроқда мўътадил намликни таъминлашга қаратилмоғи зарур.

Буғдой экилгандан кейинги биринчи сувни тез ва ўз вақтида сифатли ўтказишни ахамияти жуда катта ва ҳосилни тақдирини белгилайди. Бунинг учун ўқ ариқлар 50-60 метрдан олиш эгат узунлиги бўйича намликни бир хилда тақсиланишига олиб келади. Қатор оралиги 60x60 схемада экилган бўлса эгат оралатиб агар

90x90 схемада экилган бўлса ҳар бир эгатга сув тараш яхши натижа беради. Суғоришни енгил ва ўрта қумоқ ерларда 700-900 м<sup>3</sup>/га, оғир қумоқ ерларда 950-1000 м<sup>3</sup>/га меъерида шарбат билан суғориш уруғни бир текисда униб чиқишига ёрдам беради.

Шунинг учун суғориш вақтини 20-24 соатдан ортирмаслиги яхши керак. Агар буғдойни ката миқдорда бостириб суғорилса суғоришдан кейин эгатни пушта қисмлари ҳам ёрилиб буғдой кўчат қалинлигини озайишига олиб келади.

Биринчи сувдан кейин 8-10 кунда майса тўлиқ униб чиқмаса дарҳол такрорий суғоришни ташкил этиш керак. Бунда далани чала суғорилган қисмига алоҳида эътибор қаратиб, 1 гектар майдонга 2 нафардан кам бўлмаган сувчиларни бириктириш керак.

Ўртача 1 м<sup>2</sup> майдонда 450-500 дона майса бўлганда далага қониқарли деб баҳо бериш мумкин. Ғалла униб чиққандан кейин 20-22 кун ичида тўплаш фазаси бошланади. Агар тўплаш фазаси шу муддатдан кечикса, ҳар гектарига 5 тоннадан чириган гўнг сепиш яхши самара беради.

Куз давомли ва қуруқ келган йиллари сизот сувлари чуқурда жойлашган ерларда, айниқса, жанубий иқлим минтақаларида буғдой икки марта суғорилади, уни ўсиб ривожланиши учун қулай шароит яратади қишки совуққа чидамлилигини орттиради. Майсани қишга тўпланган ҳолда кириши совуққа чидамлилигини ошириб, юқори ҳосилдорликни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, майса пайхонгарчилигига йўл қўймаслик, бунда дала четларини четанлар билан ўраш барча фермерларни долзарб вазифасидир.

Қишлаб чиққан ўсимликлар баҳорда ўсиб ривожланишни давом эттиради. Бу жараёни мўтадил кечиши ўсимликни сув билан таъминлаганлик даражасига бевосита боғлиқ. Чунки эмбрионал хужайраларни сув билан тўлиқ тўйиниши уларнинг тургор ҳолатини, чўзилиши, бўлғуси бошоқ муртакчаларини шаклланиш миқдорини кўпайишини таъминлайди. Буғдойнинг сувга бўлган эҳтиёжи энг ортган критик давр най ўраш фазаси бошларидан бошланиб, гуллаш ва чангланиш даврида тугайди. Шу боисдан ушбу даврларда буғдойни сув таъминотиغا етарлича эътибор қаратилмоғи лозим.

Фермер хўжалиги раҳбарлари ва сувчилар шуни шуни унутмасликлари керакки деҳқончиликда ҳар бир бир агротехник тадбирнинг ўз ўрни бўлади. Вегетация даври эса бевосита суғориш билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар томчи сувдан фойдаланиш ва тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш ўн карра маъсулият талаб этаётган бир шароитда озгина бепарволик ўрнини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайди. Ҳақиқат шундан иборатки, сув танқис. Бундай вақтда кечаю кундуз даласидан оёғини узмаган деҳқон ютади.

**Андижон қишлоқ хўжалик институтини**

**қ.х.ф.д, профессор**

**А.Исашов**

## **Ғўза қатор оралғига экилган кузги ғаллани суғориш режими**

Дехқончиликда ҳосилни онаси ер, отаси сув ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик экинлари, хусусан буғдойдан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш ва олиш, кўп жиҳатдан сув билан етарли таъминланишига боғлиқ.

Суғориладиган дехқончиликда кузги буғдой етиштириш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки қишлаб чиқиш шароити нисбатан қулай ҳамда ёз ойлари иссиқ ва қуруқ бўлган бизнинг минтақамизда кузги буғдой баҳорги буғдойга нисбатан анча юқори ҳосил беради. Шунингдек кузги буғдойни ёзнинг биринчи ярмида пишиб етилиши ундан кейин такрорий ёки оралық экинларни парваришлаш имконини беради.

Ғалла энг мақбул муддатларда экилган бўлсада зудлик билан суғорилмаса уруғнинг униб чиқиши кун сайин пасайиб, ернинг табиий намида 20-30 фоиз уруғлар бўртиб қолади ва кўкармасдан нобуд бўлади. Чунки буғдой уруғи униб чиқиши учун ўз оғирлигига нисбатан 40 фоиз намни олиши керак.

Кузги буғдой етиштиришда асосий эътибор биринчи навбатта уруғни бир текисда ундириб, қийғос майсалар олиш ва кузда уларнинг қулай ривожланиши учун тупроқда мўътадил намликни таъминлашга қаратилмоғи зарур.

Буғдой экилгандан кейинги биринчи сувни тез ва ўз вақтида сифатли ўтказишни ахамияти жуда катта ва ҳосилни тақдирини белгилайди. Бунинг учун ўқ ариқлар 50-60 метрдан олиш эгат узунлиги бўйича намликни бир хилда тақсиланишига олиб келади. Қатор оралыги 60х60 схемада экилган бўлса эгат оралатыб агар 90х90 схемада экилган бўлса хар бир эгатга сув тараш яхши натижа беради. Суғоришни енгил ва ўрта қумоқ ерларда 700-900 м<sup>3</sup> /га, оғир қумоқ ерларда 950-1000 м<sup>3</sup> /га меъерида шарбат билан суғориш уруғни бир текисда униб чиқишига ёрдам беради.

Шунинг учун суғориш вақтини 20-24 соатдан ортирмаслиги яхши керак. Агар буғдойни катта миқдорда бостириб суғорилса суғоришдан кейин эгатни пушта қисмлари ҳам ёрилиб буғдой кўчат қалинлигини озайишига олиб келади.

Биринчи сувдан кейин 8-10 кунда майса тўлиқ униб чиқмаса дархол такрорий суғоришни ташкил этиш керак. Бунда далани чала суғорилган қисмига алоҳида

эътибор қаратиб ,1 гектар майдонга 2 нафардан кам бўлмаган сувчиларни бириктириш керак.

Ўртача 1 м<sup>2</sup> майдонда 450-500 дона майса бўлганда далага қониқарли деб баҳо бериш мумкин. Ғалла униб чиққандан кейин 20-22 кун ичида тўплаш фазаси бошланади. Агар тўплаш фазаси шу муддатдан кечикса, ҳар гектарига 5 тоннадан чириган гўнг сепиш яхши самара беради.

Куз давомли ва қуруқ келган йиллари сизот сувлари чуқурда жойлашган ерларда, айниқса, жанубий иқлим минтақаларида буғдой икки марта суғорилади, уни ўсиб ривожланиши учун қулай шароит яратади қишки совуққа чидамлилигини ортиради. Майсани қишга тупланган ҳолда кириши совуққа чидамлилигини ошириб, юқори ҳосилдорликни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, майса пайхонгарчилигига йўл қўймаслик, бунда дала четларини четанлар билан ўраш барча фермерларни долзарб вазифасидир.

Қишлаб чиққан ўсимликлар баҳорда ўсиб ривожланишни давом эттиради. Бу жараёни мўътадил кечиши ўсимликни сув билан таъминлаганлик даражасига бевосита боғлиқ. Чунки эмбрионал хужайраларни сув билан тўлиқ тўйиниши уларнинг тургор ҳолатини, чўзилиши, бўлғуси бошоқ муртакчаларини шаклланиш миқдорини кўпайишини таъминлайди. Буғдойнинг сувга бўлган эҳтиёжи энг ортган критик давр най ўраш фазаси бошлари-дан бошланиб, гуллаш ва чангланиш даврида тугайди. Шу боисдан ушбу даврларда буғдойни сув таъминотига етарлича эътибор қаратилмоғи лозим.

Фермер хўжалиги раҳбарлари ва сувчилар шуни унутмасликлари керакки, деҳқончиликда ҳар бир агротехник тадбирнинг ўз ўрни бўлади. Вегетация даври эса бевосита суғориш билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар томчи сувдан фойдаланиш ва тупроқ унумдорлигини сақлаб қолиш ўн карра масъулият талаб этаётган бир шароитда озгина бепарволик ўрнини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайди. Ҳақиқат шундан иборатки, сув танқис. Бундай вақтда кечаю кундуздаласидан оёғини узмаган деҳқон ютади.

**Андижон қишлоқ хўжалик институтини**

**қ.х.ф.д, профессор**

**А.Исашов**